

ТУПРОҚҚА ИШЛОВ БЕРИШ МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ

Джумабоев Сайдулло
Самарқанд ДВМЧБУ доценти

Зафаров Оғабек
Самарқанд ДВМЧБУ талабаси

АННОТАЦИЯ

Янги педагогик технологияни ўқув жараёнига тадбик этиш учун унинг илмий-амалий механизмини яратиш зарур. Педагогик технология ҳозирда барча педагогик касблар ҳамда таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш, бошқариш, назорат қилиш билан боғлиқ касбларнинг асосини ташкил қиласди.

Калит сўзлар: Педагогик технология, ўқитиши методлари, фаол ва суст, замонавий педагогик технологиялар, кейс-стади, ахборот-коммуникацион технологииларни, ўқув услуби, янгилик, муаммо.

Дидактик жараён босқичларини муайян кетма-кетликда қуриш талабаларнинг билиш фаолиятини мавзу бўйича белгиланган мақсадларга мос ҳолда танланган ўқитиши методлари ёрдамида ташкил этиш демакдир. Ўқитиши методлари ўз моҳияти ва мазмунига кўра маълум педагогик назарияга асосланган у ёки бу таснифга тегишли бўлади. Уларнинг самарадорлиги тўғрисида фикр юритилганда ўқитиши жараёнини изга соладиган ва уни мақсадли йўналтира оладиган, ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорликдаги фаолиятини таъминлаш асосида жамият томонидан олий ўқув юртлари олдига қўйилаётган мақсадга нечоғлик эришилаётганини кўзда тутиш керак. Ёхуд ўқитиши методлари бевосита таълим амалиёти билан алоқадор концепциядир. «Ўқитиши методи дастлаб педагог онгига фаолиятнинг умумлашган лойиҳаси тарзида мавжуд бўлади. Бу лойиҳа амалиётга ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятларининг ўзаро туташуви текислигига, ўқитиши ва ўқишининг аниқ ҳаракатлар, амаллар ёки усууллар мажмуаси сифатида жорий этилади. Методнинг бошқа намоён бўлиш шакллари йўқ, сабаби умумий ҳолда ўқитиши методи ўзида фаолиятнинг дидактик моделини ифода этади».

Педагогик нашрларда ўқитиши методларини фаол ва суст гуруҳларга ажратиш ҳоллари мавжуд. Агар ҳар бир метод белгиланган у ёки бу мақсадни ечишда ўз ўрнида ишлатилса, шубҳасиз, фаолдир. Педагогик технологиялар ҳам

дарсда талабалар фаоллигининг юқори даражасини таъминлаш асосида олдиндан белгиланган мақсадга эришишга қаратиласди.

Янги педагогик технологияни ўқув жараёнига тадбиқ этиш учун унинг илмий-амалий механизмини яратиш зарур. Педагогик технология ҳозирда барча педагогик касблар ҳамда таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш, бошқариш, назорат қилиш билан боғлиқ касбларнинг асосини ташкил қиласди. Замонавий педагогик технологиялардан барча педагоглар хабардор бўлишлари зарур.

Шу билан бир қаторда олий таълим тизимида замонавий педагогик ва ахборот-коммуникацион **технологияларни** қўлланиши фанни ўзлаштириш самарадорлигини сифат жиҳатидан юқори поғонага қўтариш учун қулай шартшароитларни вужудга келтиради. Айни вақтда мамлакатимизда ахборотлаштириш соҳасида содир бўлаётган **инновацион** жараёнлар (компьютерлаштириш, локал ва интернет тармоқлари орқали ахборот алмашинувининг кенгайиши ва ривожланиши) таълим тизимининг энг муҳим бўғини бўлган таълим (дарс) жараёни олдига янги муаммоларни қўймоқда. Чунки шу вақтгача биологиядан анъанавий таълим бериш жараёнида ўқувчи-талабаларни фақат тайёр билимларни ўзлаштиришга ўргатилган бўлса, инновацион жараёнлар ва замонавий ахборот технологиялари ўқувчи-талабаларни фан юзасидан эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб таҳлил қилишларига, хулосаларни ҳам ўзлари чиқаришларига ўргатади.

Кейс-стади (инглизча case - тўплам, аниқ вазият, stadi-таълим) кейсда баён қилинган ва таълим олувчиларни муаммони ифодалаш ҳамда унинг мақсадга мувофиқ тарздаги ечими вариантларини излашга йўналтирадиган аниқ реал ёки сунъий равишда яратилган вазиятнинг муаммоли-вазиятли таҳлил этилишига асосланадиган таълим услубидир.

Кейс-стади - таълим, ахборотлар, коммуникация ва бошқарувнинг қўйилган таълим мақсадини амалга ошириш ва кейсда баён қилинган амалий муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнида башорат қилинадиган ўқув натижаларига кафолатли этишишни воситали тарзда таъминлайдиган бир тартибга келтирилган оптимал усуллари ва воситалари мажмуудан иборат бўлган таълим технологиясидир.

Кейсда тавсифланган аниқ вазият ўрганишни воқеликка боғлаб қўяди: сизга муаммони ҳал этиш бўйича вазиятни таҳлил қилиш, таҳминларни шакллантириш, муаммоларни аниқлаш, қўшимча маълумотни йиғиши, таҳминларни аниқлаштириш ва аниқ қадамларни лойиҳалаштириш имконини беради.

Ўқув услуби сифатида қуйидагиларни таъминлайди:

- ўрганилган ўкув мавзу, курси бўйича (назарий таълимдан сўнг) билимларни мустаҳкамлашни;
- муаммоларни таҳлил қилиш ва қарорларни якка тартибда ва гурухли қабул қилиш кўникмаларини эгаллашни;
- ижодий ва ўрганиш қобилияtlар, мантиқий фикрлаш, нутқ ва муҳит шароитларига мослашиш қобилияtlарини ривожлантиришни;
- янгиликка, қарорларни мустақил қабул қилишга тайёргарликни;
- масъулдорлик, мустақиллик, коммуникативлик ва эмпатия, рефлексиянинг шаклланишини; ўкув маълумотларини ўзлаштириш сифатини ўз текширишини (ўкув дастури якунида).

Муаммони ифодаланиши

1. Муаммо қандайдир ҳаракатлар қилиш учун этилган зарурат билан уни амалга ошириш учун шарт-шароитлар етишмаслиги ўртасидаги зиддиятни белгилайди.
2. Муаммони асосий таркибий қисмлари (муаммо ости муаммолар)ни ажратади.

Кейснинг дастурий картаси кейс учун ахборот йиғиш ва вазиятни баён қилиш учун асос бўладиган асосий масалалар (тезислар)нинг тузилмаланган рўйхатидан иборат бўлади.

Мутахассислик фанларини ўқитища кейс стади методидан фойдаланиш, талабаларни фикрлашга, муаммоларни ҳал этиш кўникмаларини хосил қилишга, кашфиётларга интилиш, ҳамкорлик ва шериклик сифатларини шакллантиришга, ўқитувчи томонидан берилган вазифаларни ҳал этиш режасини тузишга ва энг асосийси талабалар олдига қўйилаётган муаммони ҳал қилишга, уни мустақил мухокама қилишга қодир қилиб таълим ва тарбия бериш имкониятини яратади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)

1. Мирзаева С.Р. Педагогик маҳорат. Т.: ТДАУ, 2013. – 103 б.
2. Мўминов К., Азимбоев А., Санакулов А., Бердибоев Е., Кенжаев Ю Дехқончилик илмий изланиш асослари билан. (Ўкув қўлланма) – Т.: “Турон-икбол”, 2014. – 240 б.
3. Олимов Қ.Т. Педагогик технологиялар. Фан ва технология. 2011. 275 бет.
4. Ходиев Б.Ю., Голиш Л.В., Рихсимбоев О.К. Кейс-стади “Иқтисодий олий ўкув юртидаги замонавий таълим технологияси”: Илмий-услубий қўлланма Т.: 2009. – 150 бет.